

ТЕМУР САЛТАНАТИНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

Мухиддинов Акбар Мухиддин ўғли

*Яккабоғ тумани 37-ихтисослашган Давлат умумтаълим мактаби
тарих фани ўқитувчиси*

Жаҳон тарихига бир назар ташласак, Халқлар ўзлигини миллий қадриятларини, тарихини қадрлаб, ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратиб келади. Жумладан бутун дунё маънавиятини юксалишига, жаҳон цивилизацияси бешигини тебратишга улкан ҳисса қўшган, ўзидан улкан моддий ва маънавий меърос қолдирган, мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган буюк олим ва алломаларимиз, саркардаларимиз ва тарихий шахсларимизни тарихини, ва уларнинг бой мерсини билишни, ўрганишни бугунги кунда даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида тарихимиз саҳифаларини қайта янгиланиш жараёнида буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси ҳамда тарихий сиймоси, хотираси ҳам тикланди.

Амир Темур мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка бутунлай барҳам бериб, уни ўз туғи остида бирлаштириди ва марказлашган иирик давлатга асос солди.

Амир Темур ҳукмдорлиги даврида савдо-сотик, ҳунармандчилик, зироатчилик ва маданий ҳаёт юксак даражада ривожланди. “Буюк ипак йўли” қайта тикланди. Амир Темур бир қатор халқларнинг мӯғуллар зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Турк сultonи Елдирим Боязидни тор-мор этиб, Усмонли туркларнинг истибододига тушиб қолган Болқон ярим оролидаги халқларни озод қилди. Бу ғалабадан шодланган французлар Амир Темурнинг олтиндан ясалган ҳайкалчасини қўйиб, остига “Европа ҳалоскорига” деб ёзиб қўйишиган.

Амир Темур Олтин ўрда хони Тўхтамишхонни иккинчи маротаба тор-мор келтириб, Россияни мӯғуллар ҳукмронлигидан асраб қолган. Амир Темур даврида мамлакатнинг хорижий давлатлар билан хусусан Ҳиндистон, Хитой, Олтин ўрда, Араб мамлакатлари ва ҳатто Италия (Венеция), Испания, Франция ва Англия билан савдо-сотик, сиёсий ва маданий, дипломатик алоқалари ривожланди. Амир Темур ўз давлати пойтахти Самарқандни ободонлаштирига катта аҳамият берди. Самарқанд унинг даврида алоҳида имтиёзга эга бўлган. Шаҳар иирик сиёсий ва маданий марказга айланган. Самарқандда Исфихон, Халаб, Шероз, Хоразм Бухоро, Қарши ва Кеш меъморлари ва бунёдкорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мақбараалар, мадрасалар қурилди. Бундан ташқари Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Боғдодда мадраса, Туркистонда Аҳмад Яссавий мақбараасини

бино қилдирди. Кешда эса оқсарой қад күтарди. Боғидилкушо, Боғичинор, Боғишамол каби чорбоғлар ва кўшклар барпо этилди.

“Темур Тузуклари”да Амир Темур томонидан XIV-XV асрларда Моварауннахрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган ўзаро муносабатлари маълумот беради.

“Салтанат биносини-деб ёзади Амир Темур,-дини ислом, тўра ва тузук (қонун ва қоида) асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай ишни тузукка биноан қилдим”

“Темур тузукларидаги” ғоялар ва давлат тузилмалари ва мансабдор шахслардан тортиб барча-барчани қонунга итоат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Тузукларда қайд этилганидек, қайирда Қонун ҳукмронлик қилса ўша ерда эркинлик бўлади.

Рус олими Д.Логофет европа ҳали конституция ҳақида тушунчага эга бўлмаган бир вақтда Амир Темур давлатида конституцион қонунлар мажмуаси- “Темур тузуклари” мавжуд бўлган ва амал қилган деб ёзган эди.

“Темур тузуклари” адолатлари ақл-идрок ва мулоҳаза билан иш тутиш, ватанпарварлик, одил ва инсофли бўлишга яхши-ёмонни ажратা билишга чақиради.

... “Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим. Ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен ваъдаларимни доим аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим” деб ёзади Амир Темур ўзининг Темур тузукларида.

“Салтанат биносининг,-деб ёзади Амир Темур, дини ислом - тўра ва тузук” (қонун қоида) асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда ҳар бир ишни тузукка биноан қилдим” деган тузуклари ўз даврида жуда машҳур бўлган.

Йиллар давомида топталиб келинган Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқат Мустақиллигимиз туфайли тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли испоҳотлар ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий соҳаларни янада ривожлантиришни, тинчлик ва миллатлараро тутувликни, мустаҳкамлаши, “Халқ давлат идорларига эмас давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойили асосида олиб бораётган оқилона сиёsat ҳамда халқ манфаатларига хизмат қилишдаги амалий ишлар Амир Темур фаолиятига мазмунан ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Буюк бобомиз Амир Темурнинг ҳаёт йўли, унинг юритган оқилона сиёsatи, халқсеварлиги, ватанпарварлиги каби юксак фазилатлари ёшларга ҳавасуйғотади.

Бинобарин Амир Темур маънавий меъросини ўрганиш ва ёшлар онгига сингдириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Амир Темур бобомизнинг “Қонун қаерда ҳукумрон бўлса, ўша ерда эркинлик бўлади” деган сўзлари биз учун дастури амал бўлиб, хизмат қилмоғи лозим!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амир Темур тарихи Ибн Арабшох Меҳнат-1991 й
2. Амир Темур ва темурийлар салтанати . Абдулаҳад Муҳаммаджонов